

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПАВЛОВА ВЕРОНИКА ЮРЬЕВНА

**ГЕОФИЗИК УСУЛЛАРИНИ КОМПЛЕКСЛАШ АСОСИДА ГРУНТ
ШАРОИТЛАРИНИ ВА ГИДРОТЕРМАЛ ТИЗИМЛАРНИНГ ЧИҚИШ-
ПАСАЙИШ ЗОНАЛАРИНИ ЎРГАНИШ (КАМЧАТКА МИСОЛИДА)**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Павлова Вероника Юрьевна

Геофизик усулларини комплекслаш асосида грунт шароитларини ва гидротермал тизимларнинг чиқиш-пасайиш зоналарини ўрганиш (Камчатка мисолида)..... 3

Павлова Вероника Юрьевна

Изучение грунтовых условий и зон разгрузки гидротермальных систем на основе комплексирования геофизических методов (на примере Камчатки)..... 21

Pavlova Veronika Yurievna

Study of soil conditions and discharge zones of hydrothermal systems based on the integration of geophysical methods (on the example of Kamchatka)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПАВЛОВА ВЕРОНИКА ЮРЬЕВНА

**ГЕОФИЗИК УСУЛЛАРИНИ КОМПЛЕКСЛАШ АСОСИДА ГРУНТ
ШАРОИТЛАРИНИ ВА ГИДРОТЕРМАЛ ТИЗИМЛАРНИНГ ЧИҚИШ-
ПАСАЙИШ ЗОНАЛАРИНИ ЎРГАНИШ (КАМЧАТКА МИСОЛИДА)**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PHD/GM104 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.seismos.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Умурзаков Рахимжан Абдуразакович
геология-минералогия фанлари доктори

Делемень Иван Федорович
геология-минералогия фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Раджабов Шухрат Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Абдуллаев Шавкат Хадияевич
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион
ривожланиш вазирлиги хузуридаги
Илгор технологиялар маркази**

Диссертация ҳимояси Сейсмология институте хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 й. « 24 » май соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кучаси, 3-уй; Тел.: +99871 - 241-51-70; +99871 - 241-74-98; E-mail: seismologiva@mail.ru)

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (4144 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел.: +99871 - 241-51-70.

Диссертация автореферати 2022 йил « 27 » 05 куни тарқатилди.
(2022 йил « 5 » 05 даги 8 рақамли реестр баённомаси)



К.Н. Абдуллабеков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

З.Ф. Шукуров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

С.Х. Максудов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида муҳандислик-геологик муаммоларни ечишда геофизик усулларни комплекс қўлланилишига катта аҳамият қаратилмоқда. Қурилиш ишларининг кенгайиши билан иншоотларнинг мустаҳкамлигига бўлган талаблар геологик заминнинг мунтазам ўрганилишини тақозо этади ҳамда рақамли технологияларни ўзида мужассамлаган комплекс геофизик усулларни жорий этилиши устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу йўналишда муҳандислик геофизикасининг янги қурилмалари ва усулларидан фойдаланиш саноат ва фуқаролик қурилишининг мустаҳкамлигини ошириш учун аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қурилиш ҳудудларида иншоотларнинг мустаҳкамлик даражасини ошириш учун муҳандислик геологик шароитлари ўрганиш ва сейсмик хавфни баҳолаш, саёз геофизика усуллари, жумладан георадар, электроразведка, қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар билан олинган материалларни комплекс таҳлил қилиш ва изоҳлаш методларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб берилмоқда. Бу борада, муҳандислик геологик ва сейсмик хавфсизлик масалаларини ечиш, комплекс геофизик усулларининг қўлланилиши саноат ва фуқаролик қурилиши ҳудудларининг муҳандислик геологик шароитларини баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада ва бошқа ёндош сейсмик фаол минтақаларда сейсмик хавфсизликни, турар жой ва ишлаб чиқариш мажмуаларининг барқарорлигини, бино ва иншоотларни, ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, янги юқори самарали геофизик усулларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ёрдамида қурилиш иншоотлари барпо этиш ҳудудларининг сейсмик хавфини ва муҳандислик геологик шароитларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сонли “Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг – VIII «Ер ҳақидаги фанлари (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер юзига яқин жинсларнинг ҳосил қилган (грунт) шароитларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар (Камчатка мисолида): В.Г. Шарапов, Т.Г. Константинова (1974-1977) Петропавловск-Камчатский шаҳри худудини сейсмик микрорайонлаштириш харитасини тузиш мақсадида бажаришган. И.Ф. Делемень (1998) Петропавловск-Камчатский шаҳридаги қияликларнинг кўчклар хавфини баҳолаш учун қўллаган; айрим хусусий ташкилотлар (ОАО "КамчатГИСИЗ" ва бошқалар, 1999) Петропавловск-Камчатский шаҳрининг муҳим объектлари учун тектоник шароитларни, грунтларнинг сейсмик хусусиятларини ва хавфли геологик жараёнларини баҳолаш учун олиб боришган. Ҳозирги кунда, янги технологиялар ва такомиллашган асбоблар пайдо бўлиши муҳандислик геологиясининг вазифаларини ечишда геофизик кузатувларини ахборотлилигини ва ишончлилигини ошириш имкониятини яратди.

Георадар кузатувларини илк тажрибаси сифатида И.Ф. Абкадыров, Ю.Ю. Букатовларнинг (2004) ОКО-250 ГПР георадар ёрдамида олиб борган ишларини ҳамда А.В. Тарабанько (2007), А.И. Кожурин, В.В. Пономарева, Т.К. Пинегиналарнинг (2008) ишларини мисол қилса бўлади. Бироқ, бу ишларнинг мақсади ва вазифалари ўзгача бўлган – асосан Камчатканинг фаол ер ёриқларини ўрганишга қаратилган.

Георадарли тадқиқотлар асосида муҳандислик - геологик тадқиқотларининг илмий-услубий асосларни яратиш учун изланишлар олиб борилмаган. Факатгина айрим хусусий корхоналари томонидан ишлар олиб борилган ва бу ишларнинг методикасини, кузатув системаларини оптимал параметрларини аниқлаш, геофизик усуллар оптимал комплексини танлаш ва талқин қилиш методикаларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Камчаткадаги гидротермал тизимларнинг геологик тузилиши В.В. Аверьев, Е.А. Вакин, И.Т. Кирсанов, Т.П. Кирсанова, А.И. Сержников, В.М.Зимин, Э.Н. Эрлих, В.И. Белоусов, В.Л. Леонов, А.В. Кирюхин, С.Н. Рычагов, И.Ф. Делемень ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида Камчатканинг гидротермик тизимларининг геологик, тектоник ва термал хариталари тузилган.

Камчатка ва Сахалинда гидротермал тизимларининг тузулиши ва хусусиятлари георадар, гамма-каротаж ва хусусий кутбланиш методлари асосида батафсил ўрганилмаган. Аввалги тўпланган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики геофизик методларни оптимал комплексини аниқлаштириш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда талқин қилишда замонавий технологияларидан фойдаланиш муҳим вазифа бўлиб,

унинг ечилиши шаҳарлар ҳудудидининг ва атроф минтақанинг геоэкологик шароитларини тўлароқ ўрганиш имкониятини яратади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника унверситетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Урбанизациялашган ҳудудларнинг сув босишини таҳлил қилиш ва башорат қилиш учун гидрогеологик шароитларни моделлаштириш» (2016-2020), «Ҳудудларни сув босиши пайтида лёсс грунтларнинг муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятларини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари» (2019-2020), №63-4082 юр “Геологик-геофизик ва маркшейдерлик-геодезия кузатувлари асосида МОФ ва МОФ-2 чиқинди омборларининг бирлаштирилган дамба ҳолатини баҳолаш” инновацион, амалий лойиҳалар ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади георадиолокация ва каротаж усулларини комплекс қўллаш ҳамда материалларни талқин қилиш методикасини ишлаб чиқиш асосида грунт шароитларини ва гидротермал тизимларнинг чиқиш-пасайиш зоналарини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Камчаткадаги турли объектларининг грунт шароитларини баҳолашда георадар усулининг имкониятларини аниқлаш;

радарограммаларни талқин қилиш методикасини ишлаб чиқиш ва уни Камчатка шароитида муайян вазифаларни ҳал қилишда қўллаш;

геотермал районлардаги қудуқларда олинган гамма-каротаж ҳамда хусусий қутбланиш потенциаллари диаграммаларини комплекс талқин қилиш методикасини ишлаб чиқиш;

георадар маълумотларини комплекс таҳлил қилиш ва қудуқларнинг геофизик тадқиқотлари асосида Камчатка гидротермал тизимларининг чиқиш-пасайиш зоналари хусусиятларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Петропавловск-Камчатск шаҳри грунтларининг геологик хусусиятлари ҳамда Камчатка ва Сахалиннинг гидротермал системаларининг чиқиш-пасайиш зоналари тузилиши олинган.

Тадқиқотнинг предмети грунтларнинг петрофизик кўрсаткичларини, Камчатка ва Сахалиннинг гидротермал системаларининг чиқиш-пасайиш зоналарини геологик хусусиятларини баҳолашда георадарли съёмка имкониятларини аниқлаш ҳамда геофизик маълумотлари билан комплекс талқин қилиш методикасини ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертацияни бажаришда ишончлилиги юқори бўлган замонавий геофизик усуллар: георадарли съёмка (ОКО-250), грунтларнинг диэлектрик ўтказувчанлигини ва электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш тезлигини ўлчаш усуллари, маълумотларни сифатли ва миқдорий талқин қилиш методлари, гидротермал системаларни чиқиш-пасайиш зоналарини баҳолашда геофизик усулларидан: қудуқларда геофизик

тадқиқотлар – гамма-каротаж, хусусий кутбланиш потенциаллари методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Камчатка шароитида георадиолокацион усуллар ёрдамида табиий ётишидаги грунтларнинг контраст электрофизик хусусиятлари аниқланган ҳамда улар асосида кесимнинг литологик таркиби ва сувланганлик даражаси аниқланган;

Камчатка шароитида грунт хусусиятларини ва гидротермал манбаларнинг чиқиш-пасайиш зоналарини баҳолаш комплекс геофизик методларнинг оптимал турлари аниқланган;

георадиолокация, гамма-каротаж ва хусусий кутбланиш потенциаллари комплекс маълумотлари ёрдамида гидротермал системаларнинг гидрогеологик ҳолати баҳоланган;

гидротермал системаларнинг чиқиш-пасайиш зоналарининг тузилишини ва муҳандислик-геологик хусусиятларини комплекс баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

георадарли съёмка методикаси ҳамда унинг маълумотларини гамма-каротаж, хусусий кутбланиш потенциаллари усуллари билан комплекс талқин қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

георадар қурилмалар билан ўлчовлар олишда фойдали сигналларни бошқа шовкин фонидан ажратиш ҳамда радарограммаларда нуқтали ва чўзиқ объектлар мезонларининг маълумотлилигини оширишда оптимал кузатув параметрлари аниқланган;

турар жой ва ишлаб чиқариш иншоотлар қурилишида уларнинг мустаҳкамлигини ҳисоблаш учун зарур бўлган Петропавловск-Камчатск грунтларининг электрофизик хусусиятлари маълумотлари асосида литологик табақаланди ва сувланганлик даражаси баҳоланган;

социал инфратузилмалар ривожланиши учун табиий объектлардан оқилона фойдаланиш имкониятини берувчи Камчатка ва Сахалин, шу жумладан, Озёрнов гидротермал системаларининг чиқиш-пасайиш зоналарининг тузилиш хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги катта хажмдаги ва турли даврларда олинган фактик маълумотлар, кузатувлар олиб боришда ва уларни талқин қилишда замонавий қурилмалар ҳамда дастурий воситалар, геофизик маълумотларни сифатли ва миқдорий таҳлил қилиш методлари ишлатилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Камчатка ва Сахалин грунтларнинг тўлқин тарқалиш тезлиги хусусиятлари ва бошқа геофизик кўрсаткичлари тўғрисидаги янги маълумотлар олинганлиги, муҳандислик- геологик шароитларини ва гидротермал системаларнинг чиқиш-пасайиш зоналарини баҳолаш учун геофизик усулларининг оптимал турлари аниқланганлиги

хамда маълумотларни комплекс талқин қилиш методикасини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқарилган метод ва грунтларнинг петрофизик кўрсаткичлари Петропавловск-Камчатск ва бошқа сейсмик фаол бўлган, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида лойиҳалаштирилаётган қурилиш инфраструктураларининг мустаҳкамлигини таъминлаш билан тавсифланади, диэлектрик ўтказувчанлик ва электрмагнит тўлқинларни тарқалиш тезликлари грунтларнинг литологияси ва сувланганлик даражасини аниқлашга, гидротермал чиқиш-пасайиш зоналарнинг структураси эса хавфли геологик жараёнларни башорат қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Геофизик методларини грунт шароитларини ҳамда гидротермал системаларни баҳолаш учун ишлаб чиқилган оптимал комплексини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

геофизик кузатув параметрларини танлаш ва маълумотларни комплекс талқин қилиш методикаси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 02-02/3567-сон маълумотномаси). Натижада, грунтлар шароитларини баҳолашда радарограммаларни талқин қилиш аниқлигини ва ишончлилигини ошириш имконини берган;

физик шовқинлар фонида фойдали геофизик сигналларни ажратиш ҳамда радарограммаларда нуқтали ва чўзиқ объектлар мезонларининг маълумотлилигини ошириш методикаси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 02-02/3567-сон маълумотномаси). Натижада, қурилиш майдонларида олиб бориладиган муҳандислик геофизик ўлчовларининг аниқлиги ҳамда георадар фацияларни ажратиш ишончлилиги ошириш имконини берган;

геофизик усулларнинг комплекс қўллаш методикаси ҳамда грунтларнинг тузилиши ва шароитлари бўйича олинган маълумотлар Геопульс Илмий Инновацион Марказ МЧЖнинг ишлаб чиқариш жарёнига жорий қилинган (Геопульс Илмий Инновацион Марказ МЧЖнинг 2021 йил 29 июндаги 629/06-01-сонли маълумотномаси). Натижада Петропавловск-Камчатск шаҳридаги қурилиш-лойиҳалаш ишларида иншоотларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 39 та конференцияларда, мактаб-семинарларида апробациядан ўтказилилган, шу жумладан, хорижда – 8 та, умумроссия минтақалараро конференцияларда – 12 та, регионал миқёсдаги конференцияларда – 19 та.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан: Ўзбекистон

Республикасининг Олий аттестация комиссияси тавсия этган нашрларда 3та (хорижий журналларда), илмий тўпламларда 5 та, халқаро ва маҳаллий анжуман тезисларида 6 та.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, 125 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва заруратлиги асосланган, ўтказилган тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, диссертация мавзусини фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган. Эълон қилинган ишлар ва диссертация структураси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлиги ва тадқиқот вазифалари”** деб номланган биринчи бобда геофизик методларининг муҳандислик-геологик изланишлар олиб борилишидаги долзарблиги, ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўз юритилган. Камчатканинг гидротермал системаларининг хусусиятлари ва чиқиш-пасайиш зоналарини ўрганиш бўйича асосий вазифалар кўриб чиқилган. Гидротермал системаларининг геологик тузилишини ўрганишда чуқурликдаги ҳамда ер юзидаги гидротермаларнинг бир жойдан иккинчи жойга оқиш ўтиш зоналарини тадқиқ қилиш зарур. Иссиқ сув манбалари ер юзида пайдо бўлиши ўрганилаётган участканинг геологик тузилишига боғлиқ бўлган ер ости сувлари горизонтларининг муносабатлари ҳамда рельефнинг профили сабабчидир. Гидротермал системаларининг чиқиш-пасайиш зоналари ер юзига яқин жойлашган бўлади, иссиқлик намоёнлари кўринишда бўлиб кўпгина кудуқлар билан очилган бўлади. Бу эса уларни бевосита ўрганиш учун имконият яратади. Уларни ўрганишда геофизик методларини қўллаш заруратлиги асосланган.

Биринчи боб бўйича хулосалар:

1. Эълон қилинган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, охириги ўн йилликларда ер қобиғини ва ернинг юқори қисмларини ўрганиш учун асбобларни қўллашнинг маълумотларни қайд этиш ва уларга ишлов бериш замонавий технологияларига ва дастурий воситаларига асосланган саёз геофизиканинг янги методлари пайдо бўлган. Улар ҳудудларнинг ер юзасига яқин геологик кесимининг тузилишини ва муҳандислик-геологик хусусиятларини батафсил ўрганиш имкониятини беради. Камчаткада хали қўлланилмаган саёз геофизикасининг бундай методларидан бири георадарли съёмкадир.

2. Бундай тадқиқотларнинг зарурати икки муҳим йўналишларда лузатилади: 1) шаҳар инфраструктурасини ривожлантиришини хавсизлигини

таъминлаш учун қурилиш майдонларининг грунт шароитларини ўрганиш; 2) гидротермал системаларининг ер қаъридаги оқимлари ва ер юзига чиқиш зоналарининг структурасини тадқиқ қилиш. Камчатка ҳудудида аввал бундай вазифаларни ечишда георадар кузатувлари олиб борилмаган. Шу боис, тадқиқот ишининг асосий мақсади: георадиолокация методининг грунт шароитларини ўрганишда имкониятларини баҳолаш ва мослашириш, қудуқли каротаж маълумотлари билан комплекс равишда гидротермал системаларнинг чиқиш-пасайиш зоналарини ўрганиш ҳамда маълумотларни талқин қилиш ва комплекс таҳлил қилиш методикасини ишлаб чиқишдан иборатдир.

3. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечиш керак бўлди:
-георадиолокация методининг Камчатканинг турли объектларида грунт шароитларини ўрганишда синовдан ўтказиш ва қўлланилиш имкониятларини баҳолаш; -радарограммаларни талқин қилиш методикасини ишлаб чиқиш ва уни Камчатка шароитидаги аниқ масалаларни ҳал қилишда қўллаш; -геотермал районлардаги қудуқларда гамма-каротаж ва хусусий қутбланиш потенциал методлари билан олинган диаграммаларини комплекс талқин қилиш методикасини ишлаб чиқиш; -Камчатканинг гидротермал системаларини чиқиш-пасайиш зоналарининг хусусиятларини георадиолокация ва қудуқларда геофизик тадқиқотлари маълумотларини комплекс талқин қилиш асосида ўрганиш.

Диссертация ишининг кейинги боблари ушбу методиканинг мазмуни ва олинган натижаларни ёритишга бағишланган.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** -“Тадқиқот методикаси”- геофизик кузатувларининг методикаси ва аппаратураси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар «ОКО-2» («ОКО-250» ва «ОКО-150») серияли георадар асбоблари ёрдамида олиб борилган. Георадар ёрдамида ишонарли натижалар олиш учун икки асосий кўрсаткичга эътибор бериш керак: биринчиси - асбобнинг тавсифномаси, иккинчиси - ўрганилаётган муҳитнинг параметрлари. Георадиолокациянинг аниқлиги марказий частота, зондлашнинг чуқурлиги ҳамда георадарнинг кузатув зичлиги кўрсаткичига боғлиқ.

Радарограмма ҳамда қудуқларда геофизик тадқиқотлар маълумотларига ишлов бериш ва талқин қилиш методлари баён этилган.

Ўрганилаётган объектлардаги қудуқлар кесимини геологик табақалаш учун мавжуд қоғозда ёзилган каротаж диаграммалар танлаб олинган: 1. Гамма каротаж (ГК). 2. Ўз ўзидан ҳосил бўладиган майдон ва хусусий қутбланиш потенциали (ПС) усуллари билан бажарилган каротаж.

Иккинчи боб бўйича хулосалар. 1. Камчатканинг айрим участкаларининг моддий ва структуравий тузилиши билан дастлабки танишув асосида бу ерда кузатув методининг аниқлигири таъминловчи асбобларнинг асосий кузатув параметрларини аниқлаш учун экспериментлар ўтказиш кеарклиги аниқланди.

2. «ОКО-250» и «ОКО-150» георадарлар билан экспериментлар ўтказиш асосида асбобларнинг оптимал кузатув параметрлари аниқланди. Бунда чуқурлик бўйича кузатув нуқталар сони -511; йиғилиш сони - 20; зондлаш қадами – 200 мм; профил бўйича кузатув нуқталар сони – 2000; силжиш – 8-9 м.; чуқурлик бўйича ёйилиш – 200 нс; профилда ўтиш тезлиги 1,2 км/соат; сканерлаш режими “харакатланиш бўйича”. Бу параметрлар ўрганилаётган муҳит бўйича аниқлики ва ишорчлилиги юқори бўлган маълумотларни олиш имконини беради.

3. Экспериментал маълумотларга ишлов бериш ва талқин қилиш босқичида GeoScan32 дастурий комплексга асосланган методика синовдан ўтказилди. Шовқинларни бартараф этиш ва тузатишлар киритилиши муҳитда электромагнит тўлқинларнинг тезлиги (V), диэлектрик ўтказувчанлиги (E) ҳамда “георадарли фацияларини” аниқлаш амалга оширилди. Ушбу методика Камчатка грунт шароитларини ўрганиш учун радарограммаларни юқори аниқлик ва ишончлилилик билан талқин қилиш имкониятини бериши аниқланди.

4. Геотермал районлардаги қудуқлар бўйича камма –каротаж (ГК) ва хусусий қутбланиш потенциали (ХҚП) диаграммаларини комплекс талқин қилиш методикаси ишаб чиқилди. Ушбу методика Каматканинг Мутнов парагидротермалар конидаги қудуқда қўлланилди. Ушбу тадқиқотлар асосида гамма-каротаж катта чуқурликларда батафсил геологик тузилиши тўғрисида, хусусий қутбланиш методи эса катта чуқурликда содир бўлаётган суёқликларнинг қириши ва чиқиши тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятига эга эканлиги аниқланди.

“Георадиолокацион съёмка маълумотлари бўйича ер юзига яқин кесимнинг тузилиш хусусиятлари ва муҳандислик-геологик шароитлари” деб номланган **учинчи бобда** Авача дарё водийси чўқинди ётқизикларининг тузилиш хусусиятлари келтирилган. Бу худудда (1-расм) кучли зилзила содир бўлганда шаҳар инфраструктурасини ва Петропавловск - Камчатский шаҳрини бошқа аҳоли яшаш пунктлари билан боғлаб турган йўл бузилиши кутилади.

Бу тавсифланаётган участкада муфассал кузатувлар кўп йиллар давомида олиб борилмаган. Бу ерда георадиолокация кузатувларидан ташқари сейсморазведка ва электроразведка ишлари олиб борилди. Олинган натижалар юқори социал аҳамиятга эга объектлар жойлашган худуддаги биноларни таъмирлаш ва қуриш учун асос сифатида ишлатилган.

Моховая кўрфази қирғоғидаги Авача вулконида хосил бўлган ўпирма-портловчи ётқизикларнинг ўрганишнатижалари келтирилган (1-расм).

Петропавловск - Камчатский шаҳрининг шимолий қисми ва минтақавий марказ ҳамда Елизово шаҳри орасидаги аҳоли яшаш пунктлари плейстоцен охирида Қадимги Авача вулконида қурилмалари бузилиш натижасида хосил бўлган ўпирма-портловчи ётқизиклар устида жойлашган.

Ўпирмаларнинг юзасидаги кўриниш берган дўнгликлар ва ботиқларни ташкил этган турли типдаги литологик ётқизикларнинг фазовий

тақсимланиши аниқлаштирилган. Ётқизикларнинг бундай ҳосил бўлиш генетик хусусиятларини аниқлаштириш масаласини ҳал этиш нафақат назарий - амалий аҳамиятга ҳам эга, чунки бино ва иншоотларнинг жойлашиш режаларидаги чекловларни белгилайди.

Чавича бурундаги (1-расм) кўчки хавфини аниқлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Тозалаш иншоотларининг майдонидаги сейсмик шароитлар ва кўчки хавфининг таҳлили асосида бу ҳудудда кўчки хавфи юқорилиги кўрсатилган. Икки кўчки танаси жойлашган ҳолат аниқланган ва қадимги сой ён бағри хавфи тавсифланган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида майдоннинг жанубий қисмидаги шарқий сегментида кўчки жараёнлар содир бўлаётгани аниқланган. Ҳудуднинг сейсмик шароитларини аниқлаш бу ердаги сейсмиклик: ғарбий қисмида 10 балл, ён бағрининг жанубий-шарқий қисми – 9 балл деб баҳоланган. Юмшоқ тўкма тупроқлар бор жойларда қурилиш қилиш учун уларни ва шу билан бирга макроғовакли грунтларни олиб ташлаш ишлари бажарилиши керак, бўлмаса нафақат грунтларнинг сурилиб тушиши уларда жойлашган қурилмалар ҳам сурилиб тушиши мумкин.


Сейсмогеологик кесимларни ўрганиш асосида, бу ерда тўкма грунтлар тўғридан тўғри рельефга тўкилган – ён бағридаги сувланиш натижасида юмшаш ва ювилиш хусусиятга эга пирокластик қоплама олиб ташланмаган. Бу эса юмшоқ грунтлар сувланиши туфайли кўчки жараёнини тезлаштириши мумкин, айниқса бундай хавф лойланган-балчиқ чўқиндилари ривожланган майдоннинг ғарбий ён бағрида бўлиши кузатилади. Бу ерда сувларнинг сизилиши мавжуд. Авача лабининг қирғоғидаги биноларнинг муҳандислик-геологик шароитларини аниқлаштириш асосида 2-3 м гача чуқурликда юмшоқ қатламлар борлиги аниқланган. Юмшоқ қатламлар бузилмаган, уларнинг ётиши горизонтал ҳолатда сақлани қолган. Таҳмин қилиниши бўйича, бу ётқизиклар ҳудудни текислаш жараёнида тўкилган тўкма тупроқлардан ташкил топган. Келиб чиқиши аллювиал эмас балки пролювиал жарликлар яхши кўринадди, улардаги чўқинди тшпланиши баҳорлаги қор эриш ва куздаги ёғингарчилик натижасида ҳосил бўлганлиги аён. Горелий вулқон кальдерасидаги ер юзига яқин ётқизикларининг тузилиши тавсифланган. Горелий вулқони – Камчатканинг фаол бўлиб турган ва Петропавловск-Камчатскийга яқин бўлган вулқонларидан биридир. У шаҳардан 70 км ва Тинч океан қирғоғидан 25 км масофада ўрганиш имкони бор жойда жойлашган (1-расм). Тадқиқот учун кальдеранинг шимолий – шарқий секторидаги кальдеранинг поғонаси танланган.

Радарограммаларда кесимнинг сувланган ёки жуда намланган қисмлари яхши кўринадди - қатламларнинг устма-устлиги намоён бўлиб турибди. Кальдеранинг туби 6 м чуқурликгача сувга тўйинган ётқизиклардан ташкил топган.

Беш метрлик чуқурликдан бошлаб йўқорига қараб ётқизикларнинг намланганлиги кучли намланишдан қуруқ ҳолатгача ўзгариб боради. Тик кесим кўринишида намлаганлик зонасининг шакли тескари гумбаз шаклида,

теппага қараб кичиклашиб бориши билан намоён бўлади. Қуруқ грунт ётқизикларининг шакллари ликопчасимон муьдаларга ўхшайди. Шурфларда кўз билан визуал ўрганиш асосида муьдали ботиклар қумлар билан ташкил бўлгани аниқланди. Бундай участкаларда қор эриш даврларида кўллар ҳосил бўлиши ва уларда юпқа пелитли ва гилли фракциялар (булар пемза ва кулларни майдаланиш натижаси бўлиб) қумлар орасига кириши кузатилади.

Уларнинг қум ичидаги хажми кўпайиши локал сувга таянч қатлам шаклланишига олиб келади – бу кўлнинг туби сифатида хизмат қилади. Қатламларнинг туташ юзалари кшпинча бир бирига муносиб, аммо баъзаг бир нечта бурчаклик номуносибликлар кузатилади. Бу маълумотлар асосида уч метр чуқурликда ҳосил бўлаётган вақтда ёки чўкинди ҳосил бўлишда танаффус бўлган, ёки чўкинди йиғилиш хавзасининг умумий морфологиясининг ўзгариши содир бўлган бўлиши мумкин. Сувланганлик фақат супадан дренаж бўлаётган сой теппаларида кузатилади.



1-Авача дарёси водийси; 2-Моховая кўрфаз қирғоғи; 3-Чавыча бурни;
4-Авачинск лаби қирғоғидаги бино (Ўлкашунослик музей); 5-Горелий
вулқони

**1-расм. Тадқиқот объектларининг умумий жойлашув
схемаси (Камчатка)**

Учинчи боб бўйича хулосалар. Гепорадиолокация кузатувлари асосида Петропавловск-Камчатск шаҳри худудидаги ҳамда вулқон районларининг ер

юзасига яқин грунтларни тузилиш хусуситлари ва муҳандислик-геологик шароитлари ўрганилди. Улар қуйидагиларни ташкил этди:

1. Ер юзига яқин грунтлар кесимида тақсимланган майда ва туташган хилма хилликлар борлиги аниқланди.

2. Қумда ва тупроқларда сув хажмининг озгина миқдори диэлектрик ўтказувчанлигини сезиларли ўзгаришлари кузатилади, бу Авача дарёси водийсида грунтларнинг емирилиши тўғрисидаги маълумотлар беради.

3. Моховая кўрфаз қирғоғида Авачинск вулконида ҳосил бўлган юмшоқ ўпирилиш-портлашнинг турли литологик турдаги тўртламчи ётқизикларининг маконда тақсимланиши аниқлаштирилган. Кичик ботиқларни асосан ўт-хашак-тупроқли ва майда синиқ тошлардан ташкил топган (дресва-шебёнкали) ётқизиклар орада йирик бўлақлар учраши билан тўлдирган, сой водийларида – торф ётқизиклари, ён бағрларда - дресва-шебёнкали зислашган грунтлар кузатилган. Океан тарафга қараб грунтларнинг қалинлиги ошиб боради, денгиз чўкиндилари аралашмалари ортиб бориши, орада кум ва андезитли бўлақлар билан кузатилади.

4. Чавича бурунда балчиқли майдонлардан сувларнинг кетиши кузатилади, уларнинг бирида грунт сувларининг қирғоқ поғонасидаги дарзликлардан чиқиши ҳамда кўчкилар кузатилади

5. Петропавловск-Камчатск шаҳар ҳудудидаги юмшоқ ётқизиклар юқори структуравий қаватни ташкил этади, у турли (уйма, денгизли, лагунали ва б.) генезисга эга юмшоқ қатламли ётқизиклардан ташкил топган, қалинлиги бирдан-ўнлаб метргача.

6. Петропавловск-Камчатск шаҳар ҳудудида ер юзига яқин қисмида қуруқ майдаланган тошлардан (шебёнка) ташкил топган грунт, унинг диэлектрик ўтказувчанлиги паст қийматларга эга; йирик заррали ва турли даражада сувланган қумлар ва дресвали грунт кузатилган. Олинган маълумотлар грунтларнинг физик-механик хусусиятлари маълумотлар базасини тўлдиради.

7. Камчаткадаги турли геологик структураларининг тебраниш суръатининг хусусиятлари вулкони районларда радиолокация методи билан олинган радарограммаларни талқин қилишда эталон сифатида хизмат қилиши мумкин.

8. Табиий ётиш шароитида георадиолокацион тадқиқотлар асосида ўрганилган Камчатка грунтлари контрастли электрофизик хусусиятларга эга эканлиги илк бор аниқланди, бу маълумотлар кесимни литологик табақаларга ажратиш ва сувланганлик даражасини аниқлаш имкониятини берди.

“Камчатка ва Сахалиннинг айрим участкаларидаги гидротермал системаларнинг чиқиш-пасайиш зоналари структурасининг

хусусиятлари (комплекс геофизик маълумотлари асосида)” деб номланган **тўртинчи бобда** Озёрновск иссиқлик манбаининг, Каримшин (Камчатка) ва Дагин (Сахалин) гидротермал системаларининг мисолларида чиқиш-пасайиш зоналарининг фазовий структуралари тавсифи келтирилган (2-расм). Озёрнов иссиқлик манбасининг чиқиш-пасайиш жойи Озёрная дарёсининг чап қирғоғида Ключевской (888 м) тоғининг остонасида, Охотский денгизи қирғоғидан 13 км масофада кузатилади. Муаммо бальнеология ривожланишига аҳамиятли бўлган Озёрновск иссиқлик манбаининг кам ўрганилганлигида. Хозирги кунга қадар манбанинги чиқиш-пасайиш участкаларининг системлаштирилган таърифи йўқ, уларнинг жойлашув схемалари йўқ, ҳар бир манбанинги харорати, ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар йўқ.

Биз томондан манбаларнинг геологик позицияси ва чиқиш-пасайиш хусусиятлари ҳамда табиий комплекс компонентларига антропогенлик таъсири ўрганилган. Иссиқ сувларининг чиқиш-пасайиш жойлари поғона бўйлаб жойлашган ва 8-та иссиқлик манбалардан ташкил топган ёйсимон занжир шаклида намоён бўлади. Иссиқ сувларининг нордон таркибли вулқонли жинслар билан ўзаро таъсири туфайли чиқиш-пасайиш жойларида гидротермал ўзгарган жинслар пайдо бўлишига олиб келган. Хароратлар таҳлили асосида № 2, 3, 4, 5 манбалари энг йирик ва ўтказувчан иссиқлик келтирувчи зонада жойлашганлиги аниқланди.

Каримшинск гидротермал система Шарқий-Камчатка вулқонлар камаридан ғарбда, Паратунка ҳамда Каримшина дарё водийларида жойлашган ва Юқори-Паратун геотермал системасининг тарқибий қисмини ташкил этади.

Бу системанинги структуравий позицияси водий бўйлаб чўзилган ташлама –силжишнинг унга кўндаланг бўлган ер ёриғи билан кесиши билан тавсифланади. Иссиқ сувлар миоцен-плиоцен ёшига мансуб (нордон туфлар) вулқонли ётқизиклар орасида кузатилаётган дарзланган-томирли зона шаклидаги резервуарга (ҳовузга) тўғри келади.

Бевосита ер юзида юмшоқ коллювиал, флювилгляциал ва аллювиал генезисга эга ётқизиклар ётади, фақат георадарли тадқиқот майдоннинг жанубий қисмида терасса чети бўйлаб ер юзига қоя тош жинслари чиқиб қолган ва улардан ҳосил бўлган эллювий кузатилади.

Радарограммаларга мос фазали ўқларининг субгоризонтал ва бетартиб жойлашувлари ҳамда тўрт метргача чуқурликдан аксланган электрмагнит тўлқинларнинг мавжудлиги ва чуқурлик бўйича уларнинг сўниши хосдир. Бу сараланмаган йирик бўлакли галечник ётқизикларидан, кейин йирик туфлар ётқизикларидан дарак беради. Айрим жойларда дарзликлар зоналари кузатилади, улар радарограммада ўтиш тўлқинлар билан тавсифланади. Ётқизиклардаги диэлектрик ўтказувчанликнинг ўртача қийматлари 2.9 -5 , электрмагнит тўлқинларнинг ўртача тарқалиш тезлиги 14 см/нс билан тавсифланади.

Хусусий кутбланиш потенциаллар усулининг ГК-5 кудуғидаги натижаларига биноан ишхорлиги бўйича ўртача (андезитлардан) ва асосийларга (базальтларга) ўтиши билан жинсларнинг хусусий кутбланиш потенциали ўртача квадрат қийматлари ошиб бориши кузатилмоқда. Манфий қийматлар суюқликнинг кудуқдан чиқиб кетиши, мусбат қийматлар эса суюқликнинг қатламдан кудуқга кириб келиши билан боғлиқ.

Дагинск гидротермал система Сахалин вилоятининг Ноглик районида Сахалин оролини шимолий қисмидаги шарқий қирғоқда, Шимолий-Сахалин текислигининг қирғоқга яқин тасмасида, Монга нефтли майдонига яқин жойлашган.

Георадар тадқиқотлар ёрдамида Дагинск гидротермал системасида қатламларнинг нишобли ётиши ва қуруқ ва намланган гилли, алевролитли, алевроит-гилли кумлардан ташкил топганлиги қайд этилган.

Радарограммаларда георадарли фациялар ўзгариши намоён бўлган камида уч участка ажратилади: 1) мос фазаларнинг субгоризонтал ётиши билан тавсифланган – теппадан биринчи қатлам – асосан торф ётқизиқлари; 2) мос фазаларнинг горизонтал ва бетартиб кузатилиши билан намоён бўлган – асосан галкали ва шағаллик гилли кумлар; 3) мос фазаларнинг бетартиб жойлашиши ва дифракциялар билан намоён бўлган дарзланган зоналар. Барча жойларда икки метргача зич гилли грунт ажратилади, булар ўтказувчанлиги паст қатламни ҳосил қилган. У ўтказувчанлиги юқори бўлган турли таркибга эга кумларни устидан қоплаган. Бу қатлам турли конвекцион иссиқлик ташувчи оқимларга ҳам тўсиқ сифатида, ҳам изолятор сифатида хизмат қилиши мумкин ва гидротермал системанинг хароратини ошишига олиб келиши мумкин.

1 ва 2 георадар профилида конининг Марказий участкасида бурдаланиш зонаси аниқланган. Балқим, у бир неча қиялама ўтказувчан зоналар билан кесишган иссиқлик чиқарувчи ёриқлар қаторидан бўлиши ва меридионал ва субкентгликга чўзилган ёриқлар системасига мансуб бўлиши мумкин. Улар бу худунинг асосий тектоник блокларининг мозаикасини ташкил этади.

Хулоса қилиш мумкин, бу худудда кепрок бир нечта сувтўсиқ қатламлар ва ўтказувчи зоналардан ташкил топган. Георадар тадқиқотлар асосида кўмилган палеоводийларнинг морфологиясида (6 м гача чуқурликда) оқимларни ёналтирувчи сойликлар мавжуд, устидан 2 метргача торф билан қопланган кумли –алевроит-гилли ётқизиқлар тўпланиши кузатилган. Улардан иссиқ сувларнинг ўтиши ва чиқиши-пасайиши қирғоқга яқин жойларда содир бўлиши мумкин.


2, 3, 4, 5, 6 сонли кудуқларнинг гамма-каротаж маълумотларига кўра уч

зона ажратилади. Биринчи зона – тоғ жинсларининг гаммафаоллиги юқори бўлган 5 ÷17 мкр/соат (№5 ва №4 кудукларда).

Иккинчи зона - №5 и №4 кудукларни ёнида жойлашган №6 кудук. Радарограммаларда бу ерда ер ёриғи ва сойчалар кузатилади, гамма-фаоллик раҳпасайган бўлдаи 1÷7 мкр/соат. Бу тоғ жинсларидан радиоактив моддаларнинг ювилиб кетишидан дарак беради.

Учинчи зона - №3 и №2 кудуклар атрофида, гамма-фаоллик 4 ÷13 мкр/соат. Хусусий кутбланиш потенциали усули маълумотларига кўра учинчи зонада (№2 кудук) ПС нинг фақат мусбат қийматлари кузатилади – бу эса қатламдан кудукга суюқлие киришидан далолат беради.

Биринчи зонада (№4 кудук) 40 м чуқурликгача ПС нинг фақат мусбат қийматлари, кейин эса фақат манфий қийматлари кузатилади. Дагин иссиқлик манбаларини балтнеологик мақсадларида фойдаланишади.



Шартли белгилар: 1-Озернов иссиқлик манбаи (Камчатка);
2-Каримшин гидротермал система (Камчатка); 3-Дагин гидротермал система (Сахалин)

2-расм. Тадқиқот объектларининг умумий жойлашув схемаси

Ҳозирги вақтда бу ерда ҳудуднинг ободончилиги ва туристик рекреациялаш комплекси қурилмоқда. Яна қўшимча қудуқлар бурғилаш режалаштирилмоқда. Шу боис, олинган натижалар амалий аҳамиятга эга.

Тўртинчи боб бўйича хулосалар:

1. Озёрнов иссиқлик манбаи чиқиш-пасайиш зонасининг геологик-структуравий жиҳатларининг тавсифи келтирилган. Унинг батафсил жойлашув схемаси, ҳар бир манбасининг тизимлаштирилган тавсифи, таркиби ва харорати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Булар янги бальнеологик санаториялар қурилиши учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

2. Озёрнов иссиқлик манбаи чиқиш-пасайиш зонасига хос кўрсаткичлар: суб кенглик ва суб меридионал йўналган ёриқларининг кесишганлиги; дарзликлар зоналари мавжудлиги; юмшоқ ётқириклар билан қопланган ёриқлар зонаси мавжудлиги. Буларнинг ҳаммаси Каримшин (Камчатка) ва Дагин (Сахалин) гидротермал системларининг чиқиш-пасайиш зоналарига ҳам хос.

3. Каримшин (Камчатка) ва Дагин (Сахалин) гидротермал системларида георадиолокацион кузатувлар асосида чиқиш-пасайиш зоналарининг тузилиши бўйича янги маълумотлар олинди. Радарограммалар талқини асосида аниқланган электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш хусусиятлари гидротермал системларининг чиқиш-пасайиш зоналарининг ер юзига яқин қисми геологик тузилишини батафсилроқ аниқлаш имкониятини яратди.

4. Георадиолокация, гамма-каротаж ва хусусий қутбланиш потенциали маълумотларининг комплекс таҳлили асосида Каримшин (Камчатка) ва Дагин (Сахалин) гидротермал системелари участкаларининг гидрогеологик ҳолати тўғрисида батафсил маълумотлар олинди. Бу ерда қўлланилган кузатувлар методи ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш бошқа, геологик тузилиши бўйича ўхшаш районларда қўлланилиши мумкин.

5. Олинган маълумотлар «ОКО-250» ва «ОКО-150» георадарларнинг гидротермал зоналарини чиқиш-пасайиш зоналарини муфассал (6÷10 метргача) ўрганишда муваффақиятли ва самарали эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. Георадиолокацион тадқиқотларнинг қўлланилиши ва грунтларнинг табиий ётиш ҳолатидаги кузатувлар асосида Камчатка шароити учун илк бор грунтлари контрастли электрофизик хусусиятларга эга эканлиги аниқланди,

бу маълумотлар кесимни литологик табақаларга ажратиш ва сувланганлик даражасини аниқлаш имкониятини берди.

2. Камчатка мисолида грунт шароитларини ва гидротермал системаларининг чиқиш-пасайиш зоналарининг тузилиш хусусиятларини муваффақиятли ўрганиш учун геофизик методларнинг оптимал комплекси аниқланди ва олинган маълумотларнинг талқин қилиш методикаси ишлаб чиқилди.

3. Георадиолокация, гамма-каротаж ва хусусий кутбланиш потенциал методларини қўллашда олинган маълумотларни комплекс таҳлили асосида тадқиқот районларининг тузилиши ва гидрогеологик ҳолати тўғрисидаги илмий-амалий аҳамиятга эга батафсил ахборот олинди. Қўлланилган кузатувлар методи ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш методикаси бошқа геологик тузилиши бўйича ўхшаш районларда муваффақиятли ишлатилиши тавсия этилади.

4. Гидротермал системаларининг чиқиш-пасайиш зоналарининг юқори қисмларидаги ва уларнинг атрофларидаги кесимларнинг гидрогеологик ва муҳандислик-геологик хусусиятларини ифодаловчи янги маълумотлар аниқланди, натижалар объектларни ўзлаштириш учун муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

5. Олинган натижалар ўрганилган ҳудудларда бальнеологик ҳамда туристик-рекреацион марказларини ривожлантириш учун муҳим илмий амалий асос сифатида хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ПАВЛОВА ВЕРОНИКА ЮРЬЕВНА

**ИЗУЧЕНИЕ ГРУНТОВЫХ УСЛОВИЙ И ЗОН РАЗГРУЗКИ
ГИДРОТЕРМАЛЬНЫХ СИСТЕМ НА ОСНОВЕ
КОМПЛЕКСИРОВАНИЯ ГЕОФИЗИЧЕСКИХ МЕТОДОВ
(НА ПРИМЕРЕ КАМЧАТКИ)**

04.00.06 – Геофизика. Геофизические методы поисков полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.1.PhD/GM104.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.seismos.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научные руководители:	Умурзаков Рахимжан Абдуразакович доктор геолого-минералогических наук Делемень Иван Федорович кандидат геолого-минералогических наук
Официальные оппоненты:	Раджабов Шухрат Сайфуллаевич доктор геолого-минералогических наук Абдуллаев Шавкат Хадияевич кандидат геолого-минералогических наук
Ведущая организация:	Центр передовых технологий Министерства инновационного развития Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится « 24 » мая 2022 г. в 10-00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 при Институте сейсмологии. (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: +99871 - 241-51-70; +99871 - 241-74-98; E-mail: seismologiva@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института сейсмологии (регистрационный номер № 1144). (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: +99871 - 241-51-70)

Автореферат диссертации разослан « 5 » 05 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 8 от « 5 » 05 2022 г.)



К.Н.Абдуллабеков
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н., академик

З.Ф.Шукуров
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по г.-м.н.

С.Х.Максудов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Ph.D))

Актуальность и востребованность темы диссертационных исследований. В мировой практике при решении инженерно-геологических задач важное значение придаётся комплексному применению геофизических методов. Расширение строительства и требования к устойчивости сооружений требует глубокого изучения геологической среды, что определяет в качестве приоритетных задач внедрение комплекса геофизических методов, основанных на современных цифровых технологиях. Использование новых технических средств и методов инженерной геофизики в этом направлении имеет большое значение для повышения устойчивости промышленных и гражданских сооружений.

В Мире, для повышения устойчивости гражданских и промышленных сооружений на территории строительства проводится ряд научных исследований по оценке сейсмической опасности, по разработке методов комплексного анализа и интерпретации материалов, полученных методами малоглубинной геофизики, в частности, георадарными, электроразведочными, геофизическими исследованиями скважин. При этом, особое внимание обращается на решение задач по обеспечению сейсмической устойчивости зданий, комплексному применению геофизических методов для оценки инженерно-геологических условий территорий промышленного и гражданского строительства.

В Республике и в других сейсмоактивных регионах особое внимание уделяется сейсмической безопасности, устойчивости жилых и производственных сооружений, совершенствованию объектов и систем безопасности жизнедеятельности, и в этом направлении получены конкретные результаты. В Программе дальнейшего стратегического развития Республики Узбекистан предусмотрены важнейшие приоритетные задачи по обеспечению сейсмической безопасности, расширению сейсмологических исследований, и совершенствования методов повышения сейсмической устойчивости строительных сооружений. При этом, важно значение придаётся разработке высокоэффективных геофизических методов и их применения для оценки сейсмической опасности и инженерно-геологических условий территорий строительства зданий и сооружений.

Исследования, проведённые в рамках настоящей диссертационной работы, в определенной мере служат выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»¹, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3190 от 9 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Узбекистан», ПП-4794 от 30 июля 2020 года «О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии. Исследования, положенные в основу диссертационной работы, выполнены в соответствии с научно-техническими программами в области Наук о Земле, предусмотренными программой развития науки и технологии в Республике Узбекистан - VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

